



УЗЛУКСИЗ ТАЪЛИМ ТИЗИМИДА МИЛЛИЙ ҚАДРИЯТЛАР АСОСИДА ГЛОБАЛ КОМПЕТЕНЦИЯЛАРНИ РИВОЖЛАНТИРУВЧИ СУНЪИЙ ИНТЕЛЛЕКТ ИМКОНИАТЛАРИ

*Ҳамдамова Манзура Зувайдиллаевна. Пед.ф.н. доцент, “Антик дунё”
халқаро академиясининг профессори, Тошкент вилояти педагогик маҳорат
маркази, “Педагогика, психология ва таълим технологиялари”
кафедрасининг профессори*

АННОТАЦИЯ

*Ушбу илмий-назарий ҳамда амалий аҳамиятга эга бўлган мақола,
ўзининг касбий малакасини оширишиб боровчи мактаб ва мактабгача
таълим муассасалари тизимида фаолият олиб бораётган ходимларга
мўлжалланган бўлиб, глобал компетенцияларни ривожлантирувчи сунъий
интеллект имкониятларини амалиётга тадбиқ этишида, миллий
қадриятлар асосидаги умуминсоний фазилатларни ва таълимий
компетенция тамойилларини босқичма-босқич амалга оширувчи
методлардан фойдаланиши мумкин.*

*Калит сўзлар: таълим-тарбия, концепция, компетенция, глобал,
умуминсоний, , миллий қадриятлар, сунъий интеллект, метод, қобилият.*

АННОТАЦИЯ

*Данная статья, имеющая научное, теоретическое и практическое
значение, предназначена для работников системы школ и дошкольных
образовательных учреждений, повышающих свою профессиональную
квалификацию и способных использовать методы, поэтапно реализующие
общечеловеческие добродетели и принципы образовательной
компетентности, основанные на национальных ценностях, в
практической реализации возможностей искусственного интеллекта,
формирующего глобальные компетенции.*



Ключевые слова: образование, концепция, компетентность, глобальный, универсальный, национальные ценности, искусственный интеллект, метод, способность.

ANNOTATION

This article, which has scientific, theoretical and practical significance, is intended for employees working in the system of schools and preschool educational institutions who are improving their professional skills and can use methods that gradually implement universal human virtues and educational competence principles based on national values, in the practical implementation of artificial intelligence capabilities that develop global competencies.

Key words: education, concept, competence, global, universal, , national values, artificial intelligence, method, ability.

Республикамизда сунъий интеллект технологияларини ривожлантириш учун шарт-шароитлар яратиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 17 февралдаги «Сунъий интеллект технологияларини жадал жорий этиш учун шарт-шароитлар яратиш чоратадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-4996-сон қарори қабул қилинган. Мазкур қарорга мувофиқ: -2021/2022 ўқув йилидан бошлаб 15 та олий таълим муассасасида сунъий интеллект технологияларининг иқтисодиёт тармоқлари ҳамда давлат бошқаруви тизимида амалий қўлланиши бўйича курслар ва фанлар жорий этилди; -2023/2024 ўқув йилидан бошлаб «Сунъий интеллект» йўналишида кадрлар тайёрлаш учун 12 та олий таълим муассасасига 572 нафар талаба (510 нафар бакалавр, 62 нафар магистратура) ўқишга қабул қилинди; «Эл-юрт умиди» жамғармаси томонидан «Сунъий интеллект» йўналиши бўйича таълим олиш истагини билдирган ёшлар етакчи хорижий олий таълим муассасаларига юборилди; -Рақамли технологиялар вазирлиги ҳузурида ихтисослашган лабораторияларга эга Рақамли технологиялар ва сунъий



интеллектни ривожлантириш илмий-тадқиқот институти ташкил этилди; - Ўзбекистон Республикаси Очик маълумотлар портали фаолияти доирасида сунъий интеллект асосидаги дастурий таъминотдан фойдаланиш учун давлат органлари маълумотлари ва бошқа маълумотлар тўпламларини олиш имкониятини тақдим этувчи рақамли маълумотлар платформаси (data.egov.uz) ишга туширилди. Сунъий интеллект ўзи нима? Сунъий интеллект деганда рақамли технологиялар ёрдамида инсон онгининг айрим жиҳатлари масалан, мулоқот қилиш, муаммоларни ечиш, мантикий фикрлаш, ўрганиш, моделлаштириш технологияси тушунилади. Сунъий интеллектнинг таълимда долзарблиги нимада? XXI асрнинг энг устувор технологияларидан бири бўлган сунъий интеллект нафақат таълим жараёнларини бошқариш, балки таълим олувчилар учун муҳим контентларни яратиш ва уларга шахсийлаштирилган контентни таклиф этиш имконини бермоқда.

Таълим ва тарбия жараёнида сунъий интеллект ҳам ҳар бир инсон ҳаётида ҳал қилувчи роль ўйнайди. Бу эса мактабларда фанлар орқали ўқувчиларнинг билиш фаолиятини ўргатса, мактабгача таълим муассасаларида машғулотларни илк ўргатиш даврида болаларни эмоционал ривожланиши, мотивацияси, шахслараро муносабатлари ва ижтимоий мослашув жараёнларини чуқур ўрганилади. Бу жиҳатларни амалиётга тадбиқ этиш жараёнида узлуксиз таълим концепциясига амал қилиш муҳимдир.

Чунки, таълим тизими узвийлиги ва узлуксизлигини таъминлаш концепцияси мактабгача таълим ва тарбия, умумий ўрта ва ўрта махсус, касбий ва олий таълим турлари таълим дастурларини ишлаб чиқишда эътиборга олинishi лозим бўлган асосий кўникма ва қадриятлар таркибини, шунингдек, таълимдаги узвийлик ва узлуксизликнинг мақсади, вазифалари, тамойилларини ҳамда устувор йўналишларини белгилайди.

Концепция — ислохотлар, дастурлар, лойиҳалар ва режаларни амалга оширишда ҳаракатлар стратегиясини белгилайдиган тушунча. Концепция фан



йўналишлари ўртасида ўзаро интеграцияни, узвийлик ва узлуксизликни, таълим олувчиларда шаклланиши лозим бўлган билим, кўникма, кадриятларни ривожлантиришга, ўқув дастурлари мазмунини миллий ҳамда халқаро талаблар асосида такомиллаштиришга қаратилган.

Компетенция эса — бу шахснинг муайян фаолият турини самарали амалга ошириш учун зарур бўлган билим, кўникма, малакалар ва шахсий сифатлар мажмуасидир. Ана мажмуани амалиётга тадбиқ этиш мақсадида қатор Фармонлар қабул қилинган. Масалан: 2020 йил 29-октябрдаги «Илм-фанни 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида»ги ПФ-6097-сон, 2022 йил 28 январдаги «2022–2026 йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида»ги ПФ-60-сон Фармонлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 4 июлдаги «Маъмурий ислохотлар доирасида олий таълим, фан ва инновациялар соҳасида давлат бошқарувини самарали ташкил қилиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-200-сон қарорида белгиланган Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Сунъий интеллект технологияларини 2030 йилга қадар ривожлантириш стратегияси” тўғрисидаги 2024 йил 14 октябрдаги ПҚ-358-сон қарорига биноан вазифалар ижросини таъминлашни мактабгача таълим тизимидан бошлаш айтиш муддаодир! Олимларнинг фикрича, сунъий интеллект башарият тарихида ўзига хос янги даврни бошлаб беради. Келгусида биз фойдаланаётган барча соҳалар айнан сунъий интеллектга мослашишга қайсидир маънода мажбурдир:

- **биринчидан**, эркин фикрловчи шахсни, мамлакат истиқболини ўз келажаги билан уйғун кўрадиган, ижтимоий-сиёсий ҳаётда онгли равишда иштирок этиш қобилиятига эга бўлган, ижтимоий жараёнларда фаол қатнашадиган авлодни шакллантириш учун имконият яратиш;

- **иккинчидан**, мамлакатимизда фуқаролик жамияти ва ҳуқуқий давлат қуриш жараёни билан боғлиқ ҳолда сиёсий ва ҳуқуқий маданиятни



шакллантириш, шахснинг ички дунёсини ривожлантириш асосида ижтимоий кадриятларни ва муносабатларни шакллантириш;

- **учинчидан**, таълим, тарбия ва илм-фан тараққиётини таъминлаш орқали ижтимоий, ғоявий, мафкуравий барқарорликни, тинчликни таъминлашга эришиш. Юқорида санаб ўтилган омилларни мактабгача таълим муассасаларидан бошлаш, миллий кадриятларни шакллантириш, мактабда таълим самарадорлигини оширишга ёрдам беради. Таълимнинг сифати жамиятни ривожлантирувчи омил ва уни ҳаракатлантирувчи куч ҳисобланади. Таълим қашшоқлик, муҳтожлик, ижтимоий тенгсизликка қарши курашишда амалий восита сифатида хизмат қилади. Таълим дунёқарашни шакллантириш, инсоннинг турмуш тарзини танлаши ва яхшиланишини кенгайтиришга ёрдам беради, инсон ва жамият ҳаёти ҳамда фаолиятининг турли жиҳатларига таъсир кўрсатиш механизмига айланади.

Мактабгача ва мактаб таълим ташкилотларидаги моддий-техник базани жиҳозлаш, ривожлантирувчи хавфсиз муҳитни яратиш болаларда эрта ёшдан атроф-муҳитни кузатиши ва англаши, боланинг таянч компетенциялари ва ривожланиш соҳалари компетенцияларини шакллантириш учун шарт-шароитларни яратади. Турли гуруҳларда болалар ёш хусусиятини инобатга олган ҳолда бешта асосий ривожланиш марказлари ҳар хил ўқув-методик мажмуалар, кўргазмали ва дидактик материаллар, мультимедиа воситалари, замонавий ўйин тўпламлари билан жиҳозланади.

Мактабгача ва мактаб таълим ташкилотларидаги болаларнинг манфаатлари ва эҳтиёжлари, гуруҳнинг бўш макони ва ташкилотнинг моддий-техник имкониятларига кўра бошқа ривожланиш марказларини ҳам ташкил этиш мумкин. Бундай марказлар вақтинчалик ёки фақат болалар фаолиятининг махсус турлари (қум ва сув, пазандачилик, мусиқа маркази) учун ташкил этилиши мумкин. Болалар фаолиятининг муайян амалий турлари учун имконият яратишда сув ўйинлари ва тажрибалар, лойдан пирог ва бошқа



нарсалар яшаш, ёғочдан нарсалар яшаш, кўғирчоқларни ётқизиш каби амалий машғулотлар ўтказилади. Шунингдек, уларга сюжетли-ролли ўйин, расм чизиш, расмга олиш, тилдан фойдаланиш ва қурилиш блоклари каби янги тажрибаларни мавжуд тизимга интеграция қилиш ва амалда қўллаш учун турли усуллардан фойдаланилади. Шу билан бирга, болалар ёшига мос хавфсиз, эргономик, экологик тоза мебель, жиҳозлар билан таъминлаш талаб этилади.

Мактабгача ва мактаб таълим ташкилотларининг интерьерлари ва ҳудудий инфратузилмаси боланинг ривожланиши, атроф-муҳитни кузатиш орқали таълим ва маълумот олиш манбаи сифатида хизмат қилиши лозим. Биноларнинг ички дизайни болалар ёшига мос равишда табиатга яқин ёрқин ранглар, табиий шакллар ва материаллардан фойдаланган ҳолда шакллантирилиши керак. Деворлар болаларнинг дунёқарашини кенгайтирувчи визуал ахборотлар, фасслар, ҳайвонот ва ўсимликлар олами акс эттирилган кўرғазмали элементларни миллий қадриятлар асосида безатилиши тавсия этилади.

Ҳар бир машғулот (гуруҳ) хонаси болаларнинг эркин ҳаракатланиши, мустақил ўйнаши, ижод қилиши ва тажриба ўтказишга ундаши лозим. Жиҳозлар эргономик ва модулли бўлиб, санитария-гигиена қоидаларига тўлиқ жавоб бериши лозим. Ҳовли ҳудудидаги ўйин майдончалари миллий қадрият ва анъаналарга асосланган табиат манзаралари акс этган, турли табиий элементлар билан бойитилган бўлиши лозим. Ҳовлидаги ёзги айвончалар ҳимоя деворлари билан хавфсиз қилиб ўралган, йўлаклар, дам олиш, ўйин майдончалари болалар ёшига мос миллий қадриятларни тараннум этувчи эртак қаҳрамонлари ҳайкалчалари билан жиҳозланиши ҳамда қум майдони, қуёш ва соя балансини таъминловчи соябонлар бўлиши лозим. Шу билан бирга, мактабгача таълим ташкилотларида ахборот-коммуникация технологиялари, рақамли экранлар, мактабгача таълим ва мактаб таълимининг



давлат таълим дастури доирасида ишлаб чиқилган электрон ресурслар, аудиовизуал контентлардан самарали фойдаланиш мумкин.

Мазкур вазифалар давлат ва жамият тараққиётининг истиқболи билан боғлиқ мураккаб жараёндир. Таълимни ривожлантириш илмий-методик маркази томонидан ҳам таълимни рақамлаштириш бўйича бир қанча ишлар амалга оширилиб келинмоқда. Буларга мисол тариқасида манфаатдор вазирлик ва ташкилотлар билан ҳамкорликда “Рақамли таълим ресурслари ва улардан фойдаланиладиган дастурий воситаларга қўйиладиган умумий талаблар” ишлаб чиқилди. Ушбу умумий талабларнинг асосий мақсади таълим жараёнида фойдаланиладиган рақамли ресурслар ва педагогик дастурий воситаларнинг сифат ва самарадорлигини оширишдан иборатдир. Бундан ташқари, Марказ ва АҚШнинг Колорадо Боулдер университети корпоратив бошқарув кенгаши ўртасида ўзаро англашув меморандуми имзоланди. Унга асосан Phet Interactive Simulation платформасидан фойдаланиш бўйича педагог кадрлар учун семинар-тренинглар ўтказилмоқда. Сабаби, бугунги кунда педагог нафақат ўзининг фанини чуқур ўзлаштириши, балки замонавий педагогик дастурий воситалардан балки сунъий интеллект имкониятларидан ўз фаолиятида самарали фойдаланиши ҳам муҳим саналади.

Бугунги глобаллашув жараёнлари даврида барча давлат тузилмалари ва жамоат ташкилотлари, шу жумладан узлуксиз таълим тизимининг доимий эътиборида бўлишини тақозо этади. Кўрсатиб ўтилган вазифаларнинг амалиёти қуйидагилардан иборат:

- биринчидан, кадрларни тарбиялаш жараёнида умуминсоний тамойиллар устуворлигини эътироф этган ҳолда халқимиз миллий менталитети, шарқона жамоавийлик тамойиллари асосида миллий тарбиянинг устуворлиги ва шахсни ҳар томонлама ривожлантиришни таъминлаш;
- иккинчидан, маънавий-маърифий ишлар самарадорлиги, уни амалга ошириш механизмларини тубдан ўзгартириш, муайян мақсадга қаратилган



маънавий тарбиянинг узлуксизлиги, тизимлилигини таъминлаш; учинчидан, таълим жараёнини янада инсонпарварлаштириш, ижтимоийлаштириш, демократлаштириш ва эркинлаштириш жараёнини амалга оширишда халқаро ҳамда миллий тажрибаларнинг уйғунлигини таъминлашга эришиш;

- тўртинчидан, фан, техника ва технологиянинг ҳозирги замон ютуқлари талабларига мос, халқимизнинг бой маънавий-тарихий меросини ҳисобга олган ҳолда таълим-тарбия мазмунини такомиллаштириш;

- бешинчидан, глобал таҳдидларга фақат илм-фан ва таълим тизими ёрдамида жавоб қайтариш мумкин. Бошқача айтганда, жаҳолатни маърифат билан енгиш ва унга қарши курашиш мумкинлиги тобора ойдинлашиб бормоқда. Бунинг учун эса миллий ғоя асосида ёш авлодни маънавий-ахлоқий тарбиялаш, уларда ватанпарварлик, миллатпарварлик, халқпарварлик каби бир қатор тамойил ва омилларга алоҳида эътибор қаратиш мақсадга мувофиқдир.

Дунё олимларининг сунъий интеллект технологияларини жамиятга татбиқ этиш бўйича икки хил қарашлари мавжуд. Лекин, барчамизга маълумки, бундай технологияларнинг асосий мақсади инсон яшаш тарзини яхшилаш ва бизга хизмат қилиш учун кенг имкониятларни яратишдан иборатдир. Албатта, бундай инновацион технологиялар таълим жараёнига татбиқ этилиши таълим сифати ва самарадорлигини ошириш учун хизмат қилади. Мисол тариқасида сунъий интеллектга асосланган виртуал ёрдамчилардан педагог кадрлар ва таълим олувчилар саволларига исталган вақтда жавоб олиш ҳамда методик ёрдамчи сифатида фойдаланиб келинмоқда. Сунъий интеллект кўплаб одамларга ва деярли барча соҳаларга таъсир кўрсатди ва дунёга турли йўллар билан таъсир қилишда давом этиши кутилмоқда. Сунъий интеллект буюмлар интернет, катта маълумотлар ва робототехника каби технологиялар ривожланишининг ҳаракатлантирувчи кучи ҳисобланади. Сунъий интеллект жуда катта миқдордаги маълумотлардан



фойдаланиши ва қисқа вақт ичида идеал қарор қабул қилиши мумкин. Бу одамлар учун деярли имконсиздир. Сунъий интеллект инсоният учун ҳаётий аҳамиятга эга бўлган соҳаларда етакчилик қилади. (Масалан, саратон ва иқлим ўзгариши бўйича илғор технологиялар, ақлли автомобиллар, ақлли транспорт воситалари, шунингдек, космик тадқиқотлар). Ўзбекистон бу борада эришган ютуқларнинг асосий мезони ҳам инсон омилига алоҳида эътибор қаратилганлиги билан узвий боғлиқдир. Айниқса, инсон омили, миллий кадриятлар таълим ва илм-фан тадқиқотлари учун инвестициялар, таълим ривожига қаратилган давлат харажатларининг даражаси, умуман, таълим тизимининг ҳолатини алоҳида таъкидлашни жоиз деб биламиз.

Фойдаланилган адабиётлар руйхати

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги “2022–2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги ПФ-60-сон Фармони. <https://lex.uz/docs/5841063>.

2. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 31 декабрдаги 1059-сон “Узлуксиз маънавий тарбия концепциясини тасдиқлаш ва уни амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори

3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 17 февралдаги «Сунъий интеллект технологияларини жадал жорий этиш учун шарт-шароитлар яратиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-4996-сон қарори

4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 29-октябрдаги «Илм-фанни 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида»ги ПФ-6097-сон.

5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги «2022–2026 йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида»ги ПФ-60-сон Фармонлари



6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 4 июлдаги «Маъмурий ислохотлар доирасида олий таълим, фан ва инновациялар соҳасида давлат бошқарувини самарали ташкил қилиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-200-сон қарори

7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Сунъий интеллект технологияларини 2030 йилга қадар ривожлантириш стратегияси” тўғрисидаги 2024 йил 14 октябрдаги ПҚ-358-сон қарорига биноан вазифалар